

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**АЛКОГОЛЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ УЛГУРЖИ САВДОСИ БЎЙИЧА
ФАОЛИЯТНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ТАРТИБИ, ШУНИНГДЕК, ЛИЦЕНЗИЯ
ТАЛАБЛАРИ ВА ШАРТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН
ҚЎЛЛАНАДИГАН ЧОРАЛАР ВА САНКЦИЯЛАР ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш ҳамда узумчилик ва виночиликни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 5 февралдаги ПФ-5656-сон [Фармонига](#) ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4162-сон [қарорига](#) мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш ҳамда узумчилик ва виночиликни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 5 февралдаги ПФ-5656-сон [Фармонига](#) мувофиқ Молия вазирлиги ҳузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекциясига (кейинги ўринларда — Инспекция) алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолиятни лицензиялаш вазифаси юкланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолиятни лицензиялаш тартиби, шунингдек, лицензия талаблари ва шартларини бузганлик учун қўлланадиган чоралар ва санкциялар тўғрисидаги низом [иловага](#) мувофиқ тасдиқлансин:

алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолиятни амалга оширишдаги лицензия талаблари ва шартлари, шунингдек, лицензия олиш учун ҳужжатлар тақдим этиш тартиби;

лицензия талабгорининг аризасини кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш, лицензияни қайта расмийлаштириш ва дубликат бериш, шунингдек, лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш тартиби;

алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича лицензияга эга бўлган ташкилотларга нисбатан огоҳлантириш, молиявий санкция ва (ёки) лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш каби таъсир чораларини қўллаш тартиби;

лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун йиғимлар ва йиллик лицензия тўловини тўлаш тартиби.

3. Белгилаб қўйилсинки, маҳаллий пиво маҳсулотлари, кўпикланадиган ва табиий виноларнинг улгуржи савдоси бўйича фаолият билан шуғулланиш учун лицензия талаб этилмайди.

4. Инспекция:

ушбу қарорда белгиланган талаблар ва қоидаларга тўлиқ жавоб берадиган юридик шахсларга алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолият билан шуғулланиш учун лицензия берилишини таъминласин;

улгуржи савдо ташкилотлари томонидан ушбу қарор билан белгиланган лицензия талабларига сўзсиз риоя этилиши юзасидан қатъий тизимли назорат ўрнатсин.

5. Белгилансинки, туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан «Шаробсавдо» улгуржи базаларига улгуржи савдо фаолияти учун илгари берилган лицензиялар янги лицензия талабларини ҳисобга олган ҳолда, уч ой муддатда қайта расмийлаштирилиши шарт.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 20 май,
301-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 майдаги 301-сон [қарорига](#)
ИЛОВА

Алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолиятни лицензиялаш тартиби, шунингдек, лицензия талаблари ва шартларини бузганлик учун қўлланадиган чоралар ва санкциялар тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолиятини лицензиялаш тартибини, шунингдек, лицензия талаблари ва шартларини бузганлик учун қўлланадиган чоралар ва санкцияларни белгилайди.

2. Алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолият Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси (кейинги ўринларда — Инспекция) томонидан лицензияланади.

3. Алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолият билан фақат юридик шахслар шуғулланиши мумкин.

4. Алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига намунавий (оддий) лицензия берилади.

Алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси соҳасидаги лицензия бошқа юридик шахсларга ўтказиб берилмайди.

5. Лицензия чекланмаган муддатга берилади.

2-боб. Лицензия талаблари ва шартлари

6. Алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолиятни амалга оширишда лицензия талаблари ва шартларига қуйидагилар киради:

алкоголь маҳсулотларини сақлаш, қабул қилиш ва тарқатишни техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга қатъий риоя қилиш;

алкоголь маҳсулотларини сақлаш, қабул қилиш ва тарқатиш учун мўлжалланган ва белгиланган талабларга жавоб берадиган бинога эгалик қилиш (ўз мулкида бўлиши, хўжалик юритишида, оператив бошқарувида бўлиши ёки ижарага олган бўлиши);

Инспекциянинг истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмаси ҳажмини ҳисобга олиш ахборот тизимини (кейинги ўринларда — Ҳисобга олиш ахборот тизими) ишлатиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ахборот тизимига интеграциялашган электрон ҳисобварақ-фактурадан фойдаланиш;

алкоголь маҳсулотларини олиб кириш ҳамда сотишга доир чекловларга, тўлов интизоми бўйича белгиланган талабларга риоя қилиш ҳамда ўз вақтида солиқларни ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек, йиллик лицензия тўловини тўлаш;

устав фондини базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 000 бараваридан кам бўлмаган миқдорда пул маблағи кўринишида шакллантириш (доимий равишда таъминлаш);

алкоголь маҳсулотларини чакана савдоси билан шуғулланишга ва (ёки) чакана савдоси учун руҳсат гувоҳномаси бўлмаган юридик шахсларга сотишга йўл қўймаслик, маҳаллий пиво маҳсулотлари, кўпикланадиган ва табиий винолар бундан мустасно;

алкоголь маҳсулотларига акциз маркаларини қўллаш тартибларига риоя этиш.

3-боб. Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

7. Лицензия олиш учун талабгор Инспекцияга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) ушбу Низомнинг [1-иловасига](#) мувофиқ шакл бўйича алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси фаолиятини амалга ошириш учун лицензия бериш тўғрисида ариза;

б) алкоголь маҳсулотларини сақлаш, қабул қилиш ва тарқатиш учун мўлжалланган бинога нисбатан мулк ҳуқуқини ёки бошқа ашёвий ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжат ёки ижара шартномасининг нусхаси;

в) шакллантирилган устав фонди миқдори тўғрисида далолат берувчи ҳужжат нусхаси.

8. Инспекция беш кун муддатда лицензия талабгорининг иштирокидаги қўйидаги ҳужжатларни ваколатли органлардан сўраш йўли билан олади:

омборнинг санитария қоидалари ва нормаларига мувофиқлиги тўғрисида туман (шаҳар) санитария-эпидемиологик осойишталик марказларининг хулосаси;

омбор иншоотларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида туман (шаҳар) фавқулодда вазиятлар бўлимларининг хулосаси;

аризани кўриб чиқиш учун лицензия талабгорининг йиғимни Инспекциянинг бюджетдан ташқари жамғармасига тўлагани тўғрисида Молия вазирлигининг Ғазначилиги маълумоти.

9. Ваколатли орган беш кун муддатда ижобий хулоса ёки асослантилган рад жавобини бермаса, Инспекция тегишли хулосаларсиз лицензия бериш тўғрисида аризани кўриб чиқади.

Бунда жавобгарлик белгиланган муддатларда ижобий хулоса ёки асослантилган рад жавобини бермаган ваколатли орган юкланади.

Лицензия талабгоридан ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

10. Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар лицензия талабгори томонидан Инспекцияга бевосита, почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар лицензия талабгорининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Лицензия бериш тўғрисидаги аризада лицензия талабгорининг электрон манзили кўрсатилганлиги унинг аризаси бўйича қабул қилинган қарор ҳақида ахборот тизими орқали электрон шаклда хабарнома олишга бўлган розилиги ҳисобланади.

11. Ишончли бўлмаган ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабгори қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

4-боб. Аризани кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш тартиби

12. Алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолият ушбу Низомга [2-иловага](#) мувофиқ схема бўйича лицензияланади.

13. Лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия талабгоридан ариза қабул қилинган кундан бошлаб ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Бунда Инспекция, зарур ҳолларда, ариза берувчи юридик шахс ва (ёки) ваколатли орган вакиллар иштирокида жойига чиққан ҳолда, ҳужжатларнинг ишончлилиги ва қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан ўрганиш ўтказишга ҳақли.

14. Инспекция лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилингандан кейин бир иш куни мобайнида хабардор қилади.

15. Лицензия бериш ҳақида қарор қабул қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига ёзма шаклда ҳамда ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилади (топширилади), шунингдек, имзолаш учун лицензия шартномаси ҳам юборилади.

16. Лицензия шартномаси Инспекция ва лицензия талабгори ўртасида тузилади ва унда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

шартномани имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими;

томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилиши учун лицензия берилган фаолият турининг номи;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензия шартномасининг талаблари ва шартларини бузганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия шартномасининг талаблари ва шартлари бажарилишини лицензияловчи орган томонидан назорат қилиш тартиби.

Лицензия шартномаси икки нусхада — лицензиат ва Инспекция учун биттадан нусхада тузилади.

17. Лицензия ушбу Низомга [3-иловага](#) мувофиқ шаклда белгиланган намунадаги бланкада расмийлаштирилади ва Инспекция бошлиғи томонидан имзоланади.

Лицензия бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади.

18. Лицензия талабгори томонидан йиллик лицензия тўлови тўлаб, лицензия шартномаси имзолангандан сўнг лицензия берилади.

19. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида Инспекцияга лицензия берилганлиги учун йиллик лицензия тўловини амалга оширмаса ёхуд лицензия шартномасини имзоламаса, лицензияни бериш тўғрисидаги қарор бекор қилинади.

20. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг [17-моддасида](#) назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

21. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда, шунингдек, ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилади (топширилади).

Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши, бироқ уч ойдан ошмаслиги керак.

22. Лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар лицензия талабгори томонидан бартараф этилган тақдирда, ҳужжатлар лицензия

талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда такроран кўриб чиқилади.

23. Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

24. Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

5-боб. Лицензияни қайта расмийлаштириш ва дубликат бериш тартиби

25. Лицензия «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг [20-моддасида](#) назарда тутилган асослар бўйича қайта расмийлаштирилади.

26. Йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига мувофиқ дубликат берилади. Бунда лицензиат оммавий ахборот воситаларида йўқолган лицензиянинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисида хабар бериши, шунингдек, хабарни Инспекцияга тақдим этиши керак.

6-боб. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

27. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши Инспекция томонидан қонун ҳужжатларида ва лицензия шартномасида белгиланган тартибда назорат қилинади.

28. Инспекция лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилишда ўз ваколатлари доирасида:

а) лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текшириш;

б) белгиланган тартибда барча маъмурий ва омбор биноларига кириш, автотранспорт воситалари ва бошқа техникани кўздан кечириш;

в) лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

г) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ахборот тизимига интеграциялашган электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралар ахборот тизимига лицензиат томонидан ишончли маълумотларнинг ўз вақтида киритилишини назорат қилиш;

д) лицензиат томонидан алкоголь маҳсулотини маркировкалаш ва кузатиш тизимини ўз ичига олувчи Ҳисобга олиш ахборот тизимига ишончли маълумотларнинг ўз вақтида киритилишини назорат қилиш;

е) қонун ҳужжатлари ва лицензия талаблари ҳамда шартларининг бузилиш ҳолатлари бўйича мансабдор шахсларнинг ёзма равишдаги тушунтириш хатларини сўраш ва олиш;

ж) текширишлар давомида лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартлари бузилиши аниқланганда, улар асосида далолатнома (маълумотнома) тузиш;

з) лицензиатга аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш мажбуриятини юкловчи ёзма кўрсатмалар бериш, бундай қонун бузилишларини бартараф этиш муддатларини белгилаш;

и) лицензиатга белгиланган тартибда молиявий жарималар қўллаш;

к) ушбу Низом ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

29. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида Инспекция томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, унинг бир нусхаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси Инспекцияда қолади.

30. Лицензиатга нисбатан огоҳлантириш, молиявий санкция ва (ёки) лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш каби таъсир чоралари қўлланилади.

Лицензиатларга жарима кўринишида:

а) алкоголь маҳсулотларини лицензия олиш чоғида аризага киритилмаган жойларда сақлаш учун — шундай жойда сақланган товар қийматининг 100 фоизи, аммо базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан кам бўлмаган миқдорда;

б) Ҳисобга олиш ахборот тизимда қайд этмасдан алкоголь маҳсулотларини сотиш, унга ишончли бўлмаган ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни киритиш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдорида;

в) лицензия талабларини ва шартларининг бошқа тарзда бузганлик учун (бундан мазкур Низомнинг [38-бандида](#) кўзда тутилган лицензия талаблари ва шартларини бир марта қўпол равишда бузиш ҳолатлари мустасно) — базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида молиявий санкциялар қўлланилади.

31. Лицензия талаблари ва шартларини бузиши мумкин бўлган ҳаракатларни содир этишга тайёрланаётганлиги хусусида ишончли маълумотлар мавжуд бўлганда, Инспекция қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўймаслик ҳақида лицензиатнинг мансабдор шахсларини ёзма равишда огоҳлантиради ҳамда ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун жавобгарликни тушунтиради.

32. Лицензиатга нисбатан ушбу Низом ва бошқа қонун ҳужжатларига асосан таъсир чоралари қўллаш учун лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши бўйича бевосита Инспекция томонидан ўтказилган текшириш материаллари ҳамда назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўз ваколатлари доирасида аниқланган қоидабузарликлар ҳақида хабарлар асос бўлади.

33. Инспекция бошлиғи ва унинг ўринбосари Инспекция номидан молиявий санкциялар қўллаш тўғрисида баённомалар тузиш ҳуқуқига эга.

Молиявий санкциялар қўллаш тўғрисида тузилган баённомалар Инспекция томонидан судга кўриб чиқиш учун киритилади, лицензиатнинг содир этилган ҳуқуқбузарликларда ўзайбини тан олган ва молиявий жарималар суммасини ихтиёрий равишда тўлаган ҳоллар бундан мустасно.

34. Лицензия талаблари ва шартларини бузганлик учун тўланадиган жарималар Инспекциянинг бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади.

35. Молиявий жарималарнинг қўлланилиши айбдор шахсларни улар томонидан йўл қўйилган қонун бузилишларини бартараф этиш мажбуриятидан озод этмайди.

36. Инспекция мансабдор шахсларининг ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан) норози бўлган шахслар белгиланган тартибда юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

7-боб. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва лицензияни бекор қилиш

37. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22 — 24-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

Бунда мазкур Низомнинг 30-бандида кўрсатилган жарима кўринишидаги ҳуқуқий таъсир чоралари лицензиянинг амал қилишини тугатиш ва лицензияни бекор қилиш таъсир чоралари билан бир вақтда қўлланилмайди.

38. Лицензиянинг амал қилишини тугатиш учун асос бўлиб ҳисобланадиган лицензия талаблари ва шартларини бир марта қўпол равишда бузишга қуйидагилар киради:

алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти учун лицензияга эга бўлмаган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган алкоголь маҳсулотларини (бундан табиий винолар мустасно) сақлаш ва сотиш;

акциз маркаларини жорий этиш тартибларига риоя этмаслик;

алкоголь маҳсулотларни чакана савдоси билан шуғулланиш ва (ёки) чакана савдоси учун рухсат гувоҳномаси бўлмаган юридик шахсларга сотиш, маҳаллий пиво маҳсулотлари, кўпикланадиган ва табиий винолар бундан мустасно.

39. Айтилган бир турдаги лицензия талабларини ва шартларини бузиш бир йил давомида такрор содир этилса ушбу ҳолат лицензия талабларини ва шартларини мунтазам равишда бузиш деб баҳоланади.

8-боб. Лицензиялар реестри

40. Инспекция лицензиялар реестрини юритади.

Лицензиялар реестрида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

а) юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (улгуржи савдо ташкилотнинг омбори), телефони;

б) банкдаги ҳисобварағи ва солиқ тўловчининг идентификация рақами;

в) лицензияларнинг берилган санаси ва тартиб рақами;

д) лицензияларни қайта расмийлаштириш, тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

е) лицензияларнинг амал қилишини тугатишнинг асослари ва санаси;

ж) дубликат беришнинг асослари ва санаси.

41. Лицензиялар реестрида мавжуд бўлган маълумотлар Инспекциянинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади ва танишиш учун очиқ бўлади.

9-боб. Йиғимлар ва йиллик лицензия тўловини тўлаш тартиби

42. Лицензия талабгорининг Инспекция томонидан аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўлов кунида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Лицензия талабгорларининг аризалари такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечганда ва (ёки) мазкур Низомнинг 19-бандига асосан лицензияни бериш тўғрисидаги қарор бекор қилинган тақдирда, лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

43. Лицензияни қайта расмийлаштириш ва дубликат бериш учун лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган йиғимнинг ярми миқдорида йиғим ундирилади.

44. Лицензия берганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баробари миқдорида йиллик лицензия тўлови ундирилади.

45. Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун йиғим, лицензияни қайта расмийлаштириш ва дубликат бериш, шунингдек, йиллик лицензия тўлови Инспекциянинг бюджетдан ташқари жамғармасига кирим қилинади.

10-боб. Яқунловчи қоида

46. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолиятни лицензиялаш тартиби, шунингдек, лицензия талаблари ва шартларини бузганлик учун қўлланадиган чоралар ва санкциялар тўғрисида низомга

1-ИЛОВА

Ташкилот бланкаси

20 ___ й. « ___ » _____

**Ўзбекистон Республикаси Молия
хузуридаги Алкоголь ва тамаки бозор
солиш инспекцияси**

**Алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолиятни амалга ошириш
бериш учун АРИЗА**

1. Ариза берувчи

(юридик шахснинг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли)

2. Ариза берувчининг юридик
манзили: _____

(жойлашган жойи, почта индекси, телефон, факс ва бошқалар)

3. Ариза берувчининг банк
реквизитлари

Қуйидаги манзил(лар)да жойлашган объект(лар)да алкоголь маҳсулотларининг улгуржи с
фаолиятни амалга оширишга лицензия беришингизни сўрайман:

а) _____

б) _____

в) _____

(омбор биноларнинг юридик манзиллари кўрсатилади)

Лицензия олиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар _____ варақда илова қилинади.

Ташкилот раҳбарининг _____
лавозими (имзо)

(раҳбарнинг Ф.И.О.)

Алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолиятни лицензиялаш
тартиби, шунингдек, лицензия талаблари ва шартларини бузганлик учун
қўлланадиган чоралар ва санкциялар тўғрисида низомга
2-ИЛОВА

**Алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолиятни
лицензиялаш
СХЕМАСИ**

Боскич	Субъектлар	Механизм	Муддатлар
1-боскич	Лицензия талабгори–юридик шахс	<ol style="list-style-type: none"> 1. Алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолиятни лицензиялаш тартиби, шунингдек, лицензия талаблари ва шартларини бузганлик учун қўлланадиган чоралар ва санкциялар тўғрисидаги низомда назарда тутилган рўйхатга мувофиқ лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлайди. 2. Ҳужжатлар лицензия талабгори томонидан почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда тақдим этилади. 	Заруратга кўра
2-боскич	Молия вазирлиги ҳузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳужжатларни рўйхат бўйича қабул қилади, унинг нусхасини ҳужжатлар қабул қилинган санани кўрсатган ҳолда лицензия талабгорига топширади. 2. Лицензия талабгорининг иштирокисиз манфаатдор ташкилотлардан сўраш йўли билан маълумотлар олади. 3. Ҳужжатларни кўриб чиқади ва лицензия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. 4. Лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳужжатлар қабул қилинган кунда. 2. Ариза олинган кундан бошлаб 5 кундан кўп бўлмаган муддатда. 3. Ариза олинган кундан бошлаб 15 кундан кўп бўлмаган муддатда. 4. Тегшли қарор қабул қилингандан кейин 3 кун мобайнида
3-боскич	Лицензия талабгори –юридик шахс	<ol style="list-style-type: none"> 1. Лицензия бериш тўғрисидаги қарор қабул қилинган тақдирда, лицензия битимини имзолайди. 2. Лицензияни беришни рад этилганда, рад этиш учун асос бўлган сабабларни бартараф этади ҳамда ҳужжатларни қайта тақдим этади. 	<p>Лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилингандан бошлаб 3 ой мобайнида</p> <p>10-кун муддатда.</p>
4-боскич	Молия вазирлиги ҳузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Лицензиат томонидан лицензия берилиши учун йиллик лицензия тўлови тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилганда ва лицензия битими имзоланган тақдирда, лицензия бланкасини расмийлаштиради. 2. Лицензиатга лицензия ва лицензия битимининг бир нусхаси топширилади. 3. Тегшли ёзувни реестрга киритади. 	Йиллик лицензия тўлови тўлангандан ва лицензия битими имзолангандан кейин 3 кун мобайнида

Алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолиятни лицензиялаш тартиби, шунингдек, лицензия талаблари ва шартларини бузганлик учун қўлланадиган чоралар ва санкциялар тўғрисида [НИЗОМГА](#)

3-ИЛОВА

НАМУНА

(ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕРБИНING РАМЗИ)
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
АЛКОГОЛЬ ВА ТАМАКИ БОЗОРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ
ИНСПЕКЦИЯСИ

**Алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича
фаолиятни амалга ошириш учун
ЛИЦЕНЗИЯ**

Серияси _____

20__ й. «__»

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Алкоголь ва тамаки
бозорини тартибга солиш инспекцияси бошлиғининг 20__ й. «__»
_____даги _____-сон буйруғига асосан

(ташкилотнинг номи)

(почта манзили ва ташкилотнинг СТИРи)

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алкоголь маҳсулотларининг улгуржи
савдоси бўйича фаолиятни амалга оширишга рухсат берилади.

Лавозими, Ф.И.О.,
ваколатли шахс имзоси
М.Ў.

*(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.05.2020 й.,
09/20/301/0620-сон)*